

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАМРАЕВ ХУМОЮН ХАМЗАЕВИЧ**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ МАВЖУД БЎЛГАН АЁЛЛАРДА ДИАГНОСТИКА  
ВА ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИДАГИ ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Хамраев Хумоюн Хамзаевич**

Преэклампсия мавжуд бўлган аёлларда диагностика ва олиб бориш

тактикасидаги янги ёндашувлар..... 3

**Хамраев Хумоюн Хамзаевич**

Новые подходы в диагностике и тактике ведения женщин с

преэклампсией ..... 31

**Khamraev Humoyun Khamzayevich**

New approaches in the diagnosis and management of women with

preeclampsia..... 58

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 62

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАМРАЕВ ХУМОЮН ХАМЗАЕВИЧ**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ МАВЖУД БЎЛГАН АЁЛЛАРДА ДИАГНОСТИКА  
ВА ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИДАГИ ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Tib1475 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аюпова Фарида Мирзаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Зокирова Нодира Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ихтиярова Гулчехра Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш  
Давлат муассасаси “Тожикистон Акушерлик,  
гинекология ва перинатология илмий текшириш  
институти”**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: [ilmiyprorektor@sammi.uz](mailto:ilmiyprorektor@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Д.А. Отакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги.** Дунёда преэклампсия (ПЭ) ҳолати акушерлик амалиётининг энг оғир асоратларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда «...оналар ўлимининг сабаби бўлган гипертоник асоратлар барча омилларнинг 30% ни ташкил этиб, дунёда ҳар йили тахминан 8,5 миллион преэклампсия касаллиги қайд этилади, бу барча ҳомиладорликнинг 2-8% ташкил этади, ҳар йили аёлларнинг 1% ушбу касаллик сабабли вафот этади...»<sup>1</sup>. Ўзбекистонда «охирги беш йиллик оналар ўлими сабаблари таркибида преэклампси 24,1% ни ташкил этди»<sup>2</sup>. Аини пайтда перинатал йўқотишларни камайтириш, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, ўз вақтида хавф гуруҳларини аниқлаш, прогностик мезонларни ишлаб чиқиш касалликни даволаш ва олдини олиш масалалари акушерлик амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда преэклампсия ҳолатини эрта ташхислаш, кечишини башорат қилиш ва келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор илмий татқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ПЭни ривожланишида асосий хавф омиллари бўлиб ҳисобланадиган тана вазни индекси юқорилиги, зарарли одатларнинг мавжудлиги, контрацепция усулларини номутаносиб қўлланилиши, сурункали артериал гипертензия, қандли диабет, антифосфолипид синдроми, тромбофилия, оғирлашган акушерлик анамнези ва қондаги микроэлементлар миқдорини эътиборга олган ҳолда ҳомиладор аёлларда учрайдиган ПЭни ўз вақтида ташхислаш, ҳомиладорликни олиб бориш ва эклампсия ривожланишини олдини олиш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий татқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, ПЭ ривожланишини олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда ҳомиладорларда гипомагниемия ва гипокальциемиянинг учраш ҳолларини аниқлаш, юқорида санаб ўтилган макроэлементларнинг

<sup>1</sup> WHO recommendations for prevention and treatment of preeclampsia and eclampsia 2014

<sup>2</sup> Бабажанова Ш. Д., Любич А. С., Джаббарова Ю. К. Факторы, способствовавшие неблагоприятному исходу при преэклампсии //Фундаментальная и клиническая медицина. – 2021.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

25(OH)D3 даражаси билан комплексдаги танқислигининг ўзаро оғирлаштирувчи таъсирини исботлаш, преэклампсиянинг ривожланиши ва бундай ҳомиладорларни олиб бориш тактикаси хавфини эрта аниқлашнинг ташхисотли алгоритмини ишлаб чиқиш, ПЭ патогенезида муҳим ҳисобланган хавф омилларни аниқлаш касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган оналар ўлими кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Преэклампсия акушерлик асоратлари статистикасида иккинчи ўринни эгаллайди ҳамда гўдақлар, оналар касалланиши ва ўлимини анчагина оширувчи ҳомиладорликнинг оғир асорати бўлиб ҳисобланади (Айламазьян, Э.К., 2011; Юсупова З.С., Новикова В.А., Оленев А.С., 2018). БЖССТнинг маълумотларига кўра, преэклампсия ҳолатидаги онадан туғилган ҳар бешинчи боланинг жисмоний ва руҳий эмоционал ривожланиши бузилади, гўдақлик ва эрта болалик даврида касалланиш даражаси юқори бўлади. Преэклампсия фонида янги туғилган чақалоқларнинг касалланиш даражаси 64%дан 78% га қадар бўлади, перинатал ўлим эса 18-30% ни ташкил этади (Радзинский В.Е., 2012). Дунёдаги кўп марказли тадқиқотларнинг маълумотларига кўра магний танқислиги 81% аҳолида аниқланган (Артымук Н.В., Тачкова О.А., Червов В.О., 2016). Магний танқислиги оналар ҳамда перинатал касалланишнинг ва ўлимининг хавф омилли бўлиб ҳисобланади (М.С. Рустамова ва ҳаммуал, 2013) тадқиқотларида кальций ва магнийнинг алиментар етишмовчилиги қайд этилган аёлларда преэклампсиянинг 3 маротаба кўп учраши кўрсатилган. Шунини қайд этиш жоизки, магнийнинг катта миқдордаги танқислиги оғир гипокальциемияга олиб келади, магнийнинг ўрни тўлдирилганда эса кальций миқдори тезда меъёрга келади. Ҳомиладорликнинг асоратлари ривожланишида магний танқислик ҳолатларининг ҳиссаси борлиги тан олинган бўлиб, у яллиғланиш олди цитокинлар синтезининг ошиши, оксидатив стресснинг ривожланиши, липидлар пероксидациясининг ошиши, метаболик ва эндотелиал дисфункциянинг шаклланиши, физиологик апоптознинг сусайиши, иммун

бузилишлар билан боғлиқ (Громова О.А. ва ҳаммуал., 2011; Дикке Г.Б., 2016). Шунини айтиш жоизки, D витаминининг танқислиги преэклампсия патофизиологиясига киритилган (Шелепова Е.С. ва ҳаммуал., 2015). У кўпчилиги ҳомила ривожланишида катта роль ўйнайдиган 3000 дан ортиқ генларни тартибга солади (Мальцева Л.И. ва ҳаммуал., 2015).

D витамини ренин-ангиотензин тизимини ва томирлар силлиқ мушакларининг хужайралари пролиферациясини сусайтиради, қонда инсулин миқдорини камайтиради, эндотелийга боғлиқ вазодилатациясини яхшилади, артериал гипертензиянинг ривожланишини олдини олади (Baker A.M. et al., 2012; Lewis S. et al., 2010). Шелепова Е.С. ва ҳаммуал. (2015) тадқиқотларида аниқланишича, беморларда преэклампсиянинг ривожланишида D витамини даражасининг пастлиги (30 нг/мл дан камроқ) 2,5 марта кўпроқ кузатилган, мазкур ҳолат эса преэклампсия ривожланишининг хавф омилларидан бири бўлиши мумкин. Ҳомиладорлик пайтида 25(ОН)D3 нинг даражаси 20 нг/мл дан кам бўлиши оғир преэклампсиянинг деярли 4 марта кўп кузатилиши билан, метаболит миқдорининг 15 нг/мл дан кам бўлиши эса преэклампсия ривожланишининг 5 марта ортиқ кузатилиш хавфи билан боғлиқ.

Мамлакатимизда етук олимлар томонидан ПЭда семириш фонида буйрак ва ЮКТ тизими гемадинамикасини ўзгариши (Туксанова Д.И. 2020), ПЭда витамин ва микроэлементлар етишмовчилигини аниқлаш (Негматуллаева М.Н. 2019), Бириктирувчи тўқима патологиясида фонида преэклампсиянинг ривожланиши (Каттаходжаева М.Х. 2020), Преэклампсияни башоратлаш: функционал ташхислаш усулининг замонавий хусусиятлари (Ахмедов Ф.Қ. 2017) ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ преэклампсияни эрта ташхислаш ва башоратлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Юқорида келтирилган далиллар шунини кўрсатадики, преэклампсиянинг диагностикаси ва олиб боришни оптималлаштириш, асоратларнинг олдини олиш акушерлик амалиётининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва хали хал этилмаган, мунозарага сабаб буладиган муаммолар бу тадқиқотнинг илмий ва амалий жихатдан зарур эканлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда соҳада ортирилган тажриба ва олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотларни эътиборга олиб, кейинги йўллари белгилашга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 090921394-сонли «Оналик ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** преэклампсия қайд этилган ҳомиладорларни ташхисоти ва олиб бориш тактикаси усуллари такомиллаштириш йўли билан даволаш натижаларини оптималлаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳомиладорлиги физиологик ва патологик кечувчи ҳомиладорларда гипомагниемия ва гипокальциемиянинг учраш ҳолларини аниқлаш;

преэклампсия ривожланишида кальций ва магний микроэлементларининг 25(OH)D<sub>3</sub> даражаси билан комплексдаги танқислигининг ўзаро оғирлаштирувчи таъсирини исботлаш;

преэклампсиянинг ривожланиши ва бундай ҳомиладорларни олиб бориш тактикаси хавфини эрта аниқлашнинг ташхисотли алгоритминини ишлаб чиқиш;

преэклампсиянинг профилактикаси ва давосида, ҳомила ва янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатида магний, кальций ва D витаминининг комплексли органик ҳосилалари киритилишининг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳомиладорлиги физиологик кечаётган, гестациянинг турли муддатларида бўлган 30 нафар ҳомиладорлар ҳамда преэклампсия қайд этилган 109 нафар ҳомиладорлар, ҳомила ва янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати ўрганилган. Тадқиқотлар Самарқанд шаҳар 2- сон туғруқ марказида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий тадқиқотлар учун веноз қон ва зардоби каби материаллар олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, ташқи акушерлик текшируви, биокимёвий, инструментал (УТТ, доплерометрия, КТГ) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳомиладорлар қон зардобидаги 1,25(OH)<sub>2</sub>D<sub>3</sub> витаминнинг миқдорини камайиши аёллар организмида ишқорий ер металллар катионларининг найчали реабсорбцияси ва ичак орқали сўрилишининг етишмовчилиги сабабли кузатиладиган гипомагниемия, гипокальциемия даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

преэклампсия ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда хавф омилларнинг ўзаро оғирлаштиришига, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлар ривожланишида таркибида кальций ва фосфор нисбати бўйича мувозанатсиз юқори углеводли овқатлардан устун фойдаланиш сабабли нутриентли баланснинг бузилиши аниқланган;

ҳомиладор аёлларда D витамин миқдорини танқислиги ҳомиладорлик кечишига салбий таъсири этиб преэклампсиянинг ривожланишида оксидатив стресс, қон томирлар фаолиятининг бузилиши сабабли муҳим омил эканлиги исботланган;

илк бор ҳомиладорларда преэклампсияни эрта ривожланишини комплекс ташхислаш, даволаш ва профилактика тадбирларида микроэлементлар билан биргаликда 1,25(OH)<sub>2</sub>D<sub>3</sub> миқдорий кўрсаткичларини ҳам инобатга олиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан оғирган беморларнинг клиник, анамнестик ва хавф омилларини таҳлил қилиш заминида касалликни эрта ташхислаш усули асосланган;

преэклампсияда беморлар қон зардобида клиник-биокимёвий текширувлар асосида преэклампсиянинг оғирлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган ва эҳтимолий асоратларни ва даволаш тактикасининг оқибатларини яхшилашга имкон яратган.

касалликни эрта ташхислаш ва башоратлаш асосланган ҳолда преэклампсияни оғир кечишида самарали даво усулларини ва профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, клиник, биокимёвий, инструментал усуллардан фойдаланилганлиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқот натижаларини кўп томонлама таҳлил қилиш, олинган маълумотларга тўғри статистик ишлов бериш, оқилона баҳолаш шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анамнезидаги хавф омилларини, лаборатор/инструментал текширишлар ва клиник белгиларни таҳлил қилиб преэклампсия мавжуд хомиладорларда Д витамини етишмовчилиги ва/ёки танқислигини патогенетик даволаш ва олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилди ҳамда касаллик кечишининг оғир даражаси билан боғлиқлигини исботлаш асосида ўз вақтида ташхис қўйиш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хомиладорлик даврида ПЭ мавжуд аёлларнинг компьютер захирасини яратиш, уларнинг ҳолатини динамик кузатиш, касаллик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш, преэклампсияни башорат қилиш учун ЭВМ дастури ишлаб чиқилганлиги аёлларда преэклампсиянинг ривожланишини эрта ташхислашни ва она ва бола ҳаётини сақлаб қолиши ва тиббий ёрдамни сифатини оширишга имкон берувчи амалий тавсияномалар тиббиёт амалиётига тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Преэклампсия ташхисоти ва преэклампсияли аёлларни олиб бориш тактикасида янги ёндашувлар ишлаб чиқиш буйича олинган натижалар асосида:

Хомиладорликда преэклампсияни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш буйича янги ёндашувлар масалалари буйича «Замонавий акушерликда преэклампсиянинг долзарблиги» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 8 н-р/735-сон маълумотнома). Мазкур услубий тавсиянома преэклампсияси мавжуд хомиладор аёлларни даволаш ва профилактика чора-тадбирларни тадбиқ этиш имкониятини берган.

преэклампсияни диагностикаси ва асоратларини олдини олиш ва шошилиш ёрдам кўрсатиш усуллари ишлаб чиқилган «Преэклампсия асоратларини олдини олиш» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги 8 н-р/757-сон маълумотнома). Мазкур услубий тавсиянома презкламписияси мавжуд хомиладор аёлларни касалликнинг асоратлари сонини камайтиришга, презкламписиянинг эрта ташхисида микроэлементларнинг асосий аҳамиятини аниқлашга имконини берган;

презкламписияси бор хомиладорларда клиник, биокимёвий ва инструментал хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар Самарқанд шаҳри 1 ва 2-сон туғруқхоналари, Каттақўрғон ва Иштихон туман тиббиёт бирлашмаларининг амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8 н-з/353-сон маълумотномаси). Тавсияларни жорий этилиши презкламписияни олиб боришини оптималлаштиришга, акушерлик муассасаларида она ва ҳомила учун салбий оқибатлар сонини камайтириш ва даволаш учун кетаётган маблағни тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 105 саҳифадан иборат

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида амалга оширилган тадқиқотнинг долзарблиги** ва аҳамияти, ушбу ишга бўлган талаб асослаб берилган, илмий ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, мазкур изланишнинг республика фан ҳамда технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**"Витаминлар ва микроэлементлар алмашинувининг ўзаро алоқаси ҳақидаги замонавий тасаввурлар"** диссертациясининг биринчи бобида ушбу мавзу бўйича батафсил тадқиқот натижалари, шунингдек, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили берилган. Тадқиқот натижаларига кўра расмий статистик маълумотлар дунёда ва Ўзбекистонда презкламписия муаммоси бўйича маълумотлар таҳлил қилинди. ПЭ муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, унинг этиологияси ва патогенезидаги кўп ҳолатлар тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Ҳомиладорликнинг ушбу

асоратини олдини олиш ва даволаш учун уйғун этиологик асосли тактикалар мавжуд эмас.

Ҳомиладорликнинг физиологик ва патологик кечишида кальций ва магнийнинг аҳамияти ҳақидаги тадқиқотлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Ҳозирги вақтда ҳомиладорликнинг физиологик ва патологик кечишида кальций ва магнийнинг аҳамияти ҳамда преэклампсияда кальций, магний ва D витамини алмашинувининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида чуқур ўрганиш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, ҳомиладор аёлларда микроэлементлар ва витамин Dнинг концентрациясини ўрганиб, дотация қилиш ушбу касаллик ривожланишининг олдини олиши эътиборга лойиқдир.

Диссертациянинг иккинчи **"Текширилган аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари"** бобида клиник материаллар, лаборатория ва статистик тадқиқотлар усуллари ва маълумотлари батафсил баён этилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 139 нафар ҳомиладор аёллар текширилди. Аёлларни саралаш ва клиник кузатуви Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқхонада ҳомиладорлар патология бўлими ва туғруқ бўлимида ўтказилди.

Тадқиқотга киритилган барча аёллар 2 гуруҳга бўлинган:

Асосий гуруҳ – ҳомиладорлигининг 14-16 ҳафталигидан бошлаб туғруққача D витамини ва Са препаратларини қабул қилган, преэклампсиянинг енгил ва оғир шакллари қайд этилган ҳомиладорлар (49 нафар ҳомиладорлар);

Таққослаш гуруҳи - ҳомиладорлигининг 14-16 ҳафталигидан бошлаб туғруққача D витамини ва Са препаратларини қабул қилмаган, преэклампсиянинг енгил ва оғир шакллари қайд этилган ҳомиладорлар (60 нафар ҳомиладорлар);

Назорат гуруҳи – ҳомиладорлиги физиологик кечаётган соғлом аёллар (30 нафар ҳомиладорлар);

Преэклампсияси бор ҳомиладорлар гуруҳида организмнинг D витамини билан тўйиниш даражасига қараб кўшимча тарзда учта кичик гуруҳга бўлинган: А кичик гуруҳ- организмнинг D витамини билан тўйиниш даражаси меъёردа бўлган ҳомиладорлар (30 нг/мл дан кўп) (n=18), В кичик гуруҳ - организмнинг D витамини билан тўйиниш даражаси етарли даражада бўлмаган ҳомиладорлар (>21< 29 нг/мл) (n=27) ва С кичик гуруҳ - D витаминининг танқислиги қайд этилган ҳомиладорлар (20 нг/мл дан кам) (n=64).

Ҳомиладорлик вақтида аёлнинг шикоятлари, клиник текшируви, соматик, акушер-гинекологик анамнези, мазкур ҳомиладорликнинг кечиш таҳлили, ультратовушли фетометрия ва доплерометрия маълумотлари асосида преэклампсия ташхиси қўйилган.

Текширилган аёлларнинг кўпчилигида мазкур ҳомиладорлик биринчиси бўлмаган (1-жадвал). Қайта туғувчи аёллар асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига қараганда 1,3 маротаба кўпроқ бўлган. Асосий гуруҳда 39,1% аёл биринчи марта ва 60,9% аёл қайта ҳомиладор бўлишган.

Таққослаш гуруҳида 54,8% аёл биринчи марта ва 45,2 % аёл қайта ҳомиладор бўлишган.

**1-жадвал.**


**Текширилган гуруҳлардаги ҳомиладорларнинг клиник тавсифи**

№	Кўрсаткич	Таққослаш гуруҳи n=49	Асосий гуруҳ n=60	Хи2	Р
1	Ўртача ёши, йил	30,6±0,52	29,4±0,59	-	-
2	Гестация муддати, ҳаф.	30-38	30-38	-	>0,5
3	Биринчи марта ҳомиладор бўлганлар	39% (n=25)	54,8% (n=34)	-	<0,001
4	Биринчи марта туғувчилар, қайта ҳомиладор бўлганлар	29,7% (n=19)	16,1% (n=10)	0,346	0,556
5	Қайта туғувчилар	31,3% (n=20)	29% (n=18)	1,390	0,238
6	ТВИ кг/м <sup>2</sup>	30,63±0,5	25,63±0,3	9,051	0,003

*Р- таққосланувчи гуруҳлардаги ишончли фарқ*

Асосий гуруҳда 15,6% аёлнинг анамнезида сунъий абортлар, 7,8% да – ривожланмаётган ҳомиладорлик, 20,3% – ўз-ўзидан содир бўлувчи бола ташлашлар қайд этилган. Назорат гуруҳида сунъий абортлар 14,5%ни, ривожланмаётган ҳомиладорлик 4,8% аёлнинг анамнезида кузатилган. Ривожланмаётган ҳомиладорлик туфайли ўтказилган аборт ва бачадон бўшлиғининг қирилишидан сўнг асоратлар қайд этилмаган.

Ёндош гинекологик патология ҳомиладорлигининг кечиши преэклампсия билан асоратланган 53,2% аёлда ва ҳомиладорлиги физиологик кечаётган 46,7% аёлда аниқланган (p>0,05) (расм 1).



### Расм 1 Текширилган гуруҳдаги аёлларда гинекологик патология тузилмаси

Соматик анамнезни баҳолашда аниқланишича (2-жадвал), ёндош соматик патология преэклампсияли ҳомиладорларнинг 82,8% да мавжуд бўлган. Соматик касалликлар ишончли тарзда преэклампсия ривожланиши учун кўпроқ замин яратади (( $p < 0,05$ )).

#### 2-жадвал

#### Текширилган ҳомиладорларда соматик касалликлар

№	Соматик касалликлар	Асосий гуруҳ (n=109)	Назорат гуруҳи (n=30)	Хи <sup>2</sup>	P
1	Юрак-томир тизими патологияси	32 (29,4%)	1 (3,3%)	8,800	0,003
2	Гипертония касаллиги	31 (28,4%)	3 (10,0%)	4,329	0,037
3	Оёқ томирлари варикоз касаллиги	20 (18,3%)	1 (3,3%)	4,136	0,042
4	Сийдик тош касаллиги	10 (9,2%)	3 (10,0%)	0,019	0,891
5	Сурункали пиелонефрит	16 (14,6%)	1 (3,3%)	2,821	0,093
6	Сурункали цистит	10 (9,2%)	1 (3,3%)	1,101	0,294
7	Жигар ва ўт йўллари касалликлари	10 (9,2%)	1 (3,3%)	1,101	0,294
8	ЛОР-аъзолари касалликлари	10 (9,2%)	3 (10,0%)	0,019	0,891
9	Миопия	14 (12,8%)	0 (0%)	4,285	0,038
10	Ҳомиладорлар камқонлиги	22 (20,2%)	3 (10,0%)	1,654	0,198
11	Семизлик	24 (22,0%)	0 (0%)	7,984	0,005


12	Вазн танқислиги	20 (18,3%)	0 (0%)	6,430	0,011
13	АФС	4 (3,7%)	0 (0%)	1,134	0,287

Тадқиқотда қилиниши керак бўлган акушерлик ва гинекологик текширувларда лаборатор, сонографик, КТГ тадқиқот усуллари қўлланилган. Қон зардобида 25-гидроксикальциферолни (25(OH)D) аниқлаш учун хемиллюминесцент усул, умумий кальций, магнийни аниқлаш учун ионселектив усул, “Она-йўлдош-ҳомила” тизимида қон оқимини ультратовушли ва доплерометрик усулда текшириш амалга оширилди.

Олинган натижаларга Microsoft Excel 2010 дастури, шунингдек, Statistica 10 амалий дастури ёрдамида статистик ишлов берилган.

Диссертациянинг учинчи боби "**Презклампсияси бор аёлларда D витамини ва микроэлементлар алмашинувини ўзаро таъсирининг хусусиятлари**" иккита кичик бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси физиологик ҳомиладорлик ҳамда презклампсияда кальций ва магнийнинг таркибининг текширилиши акс эттирган.

Ўтказилган тадқиқот асосида аниқланишича: D витамини даражасининг меъёрий кўрсаткичларга мос келувчи учраш фоизи презклампсияли ҳомиладорлар гуруҳида 7,3% ни, назорат гуруҳида - 70% ни, D витамини етишмовчилигининг учраш ҳоллари мос равишда 31,2% ни ва 30% ни ташкил этди, D витамини танқислигининг тарқалганлиги презклампсияли ҳомиладорлар гуруҳида - 61,5% бўлиб, назорат гуруҳида D витаминининг танқислиги аниқланмаган (расм.2).




**Расм.2. Тадқиқот гуруҳларида организмнинг D витамини билан тўйинганлик даражаси бўйича аёлларнинг тақсимооти**

Сўнгра асосий ва таққослаш гуруҳларидаги ҳомиладорлар қонида 25-гидроксикальциферолнинг ўртача даражалари таҳлил этилди. Аниқланишича: ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёллар қон зардобида

25- гидроксикальциферолнинг ўртача даражаси меъёрнинг пастки чегараси - 36,7 [24,3; 55,2] нг/мл га мувофиқ келади, преэклампсияси бор ҳомиладорларда танқислик қиймати - 17,9 [4,7; 36,6] нг/мл га тўғри келади, мазкур ҳолатда унинг энг паст даражаси ифодаланган танқисликка мувофиқ келган [4,7 нг/мл].

Преэклампсиянинг оғир даражаси қайд этилган ҳомиладорлар қон зардобида 25- гидроксикальциферолнинг ўртача даражаси 14,2 [7,3; 28,9] нг/мл ни ташкил этган бўлиб, преэклампсиянинг енгил даражаси кузатилган аёллар - 18,1 [4,7; 36,6] нг/мл га қараганда 21,5% пастроқ бўлган ( $p=0,03$ ) (3-расм).



3-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобида 25- гидроксикальциферол даражасининг ўртача қийматлари

Преэклампсияли ва назорат гуруҳидаги ҳомиладорлар организмнинг D витамини билан тўйинганлик даражасига кўра қўшимча тарзда учта кичик гуруҳга бўлинган: А кичик гуруҳ- организмнинг D витамини билан тўйиниш даражаси меъёрда бўлган ҳомиладорлар (30 нг/мл дан кўп), В кичик гуруҳ - организмнинг D витамини билан тўйиниш даражаси етарли даражада бўлмаган ҳомиладорлар ( $>21 < 29$  нг/мл) ва С кичик гуруҳ - D витаминининг танқислиги қайд этилган ҳомиладорлар (20 нг/мл дан кам).

Ҳомиладорлар организмнинг D витамини билан тўйинганлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, преэклампсияли ҳомиладорлар гуруҳидаги А кичик гуруҳ қон зардобида 25-гидроксикальциферол даражасининг ўртача қийматлари назорат гуруҳига қараганда 12,7%га камроқ ( $p=0,08$ ), В кичик гуруҳда эса назорат гуруҳига қараганда 17,4%га камроқ бўлган ( $p=0,0001$ ). D витаминининг танқислиги қайд этилган кичик гуруҳда қондаги 25-гидроксикальциферол даражасининг ўртача қийматлари ифодаланган танқислик чегарасида бўлган.

Преэклампсиянинг оғир даражаси қайд этилган ҳомиладорлар қон зардобида 25- гидроксикальциферол концентрациясининг меъёрий қийматлари аниқланмаган. Енгил преэклампсияли аёлларда D витаминининг етишмовчилиги кузатилганда қондаги 25-гидроксикальциферолнинг ўртача даражаси преэклампсиянинг оғир даражаси қайд этилган аёлларга қараганда

8,3% кўпроқ ( $p=0,0001$ ), D витаминининг танқислигида эса оғир преэклампсияли аёлларга қараганда 32,6% кўпроқ бўлган (3-жадвал).

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, преэклампсия қайд этилган ҳомиладорларда D витаминининг етишмовчилиги ва танқислигининг учраш ҳоллари ҳомиладорлиги физиологик кечаётган ҳомиладорларга қараганда 3,2 маротаба кўпроқ бўлган.

Преэклампсия қайд этилган ҳомиладорлар қон зардобида 25-гидроксикальциферол даражасининг статистик жиҳатдан аҳамиятли пасайиши унинг оғир шаклларида кўпроқ ифодаланиши аниқланган. Преэклампсия ривожланиш хавфи қон зардобида 25-гидроксикальциферол концентрациясининг 27,5 нг/мл дан камайишида 9 маротаба ошади. Тадқиқот гуруҳларидаги аёлларда умумий кальций концентрациясининг меъёрий қийматлар кўлами 2,1-2,55 ммоль/л ни, магний учун эса 0,8–0,85ммоль/л ни ташкил этди.

### 3-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобида 25-гидроксикальциферол даражасининг ўртача қийматлари

№	Витамин Д концентрациясига кўра кичик гуруҳлар	Енгил ПЭ (n=53)	Оғир ПЭ (n=56)	Назорат гуруҳи (n=30)	$\chi^2/P1$	$\chi^2/P2$	$\chi^2/P3$
1	А кичик гуруҳ (Норма) (n, %)	18 (34,0%)	0 (0%)	21 (70,0%)	22,781 P=0.0001	9,988 P=0.002	51,865 P=0.0001
2	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (n, %)	13 (24,5%)	14 (25,0%)	9 (30,0%)	0,003 P=0.955	0,294 P=0.587	0,249 P=0.249
3	С кичик гуруҳ (Танқислик) (n, %)	22 (41,5%)	42 (75,0%)	0 (0%)	12,599 P=0.0001	16,944 P=0.0001	43,977 P=0.0001
<b>Қон зардобида 25- гидроксикальциферол миқдори, нг/мл</b>					<b>P1</b>	<b>P2</b>	<b>P3</b>
4	А кичик гуруҳ (Норма) (M±m)	35,1 ±1,3	-	40,2±2,2	-	<0,05	-
5	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (M±m)	23,2±1,6	21,7±1,5	28,1±1,6	>0,5	<0,05	<0,01
6	С кичик гуруҳ (Танқислик) (M±m)	13,1±0,8	10,4±0,7	-	<0,01	-	-

*P1, P2, P3 – енгил ПЭ ва оғир ПЭ ўртасидаги ишончли фарқ, енгил ПЭ ва физиол.ҳомиладорлик, оғир ПЭ ва физиол.ҳомиладорлик орасидаги фарқ*

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, барча тадқиқ этилган гуруҳларидаги аёллар қон зардобида умумий кальцийнинг кўрсаткичлари меъёрий қийматлар чегарасида бўлган.

Аниқланишича, тадқиқ этилган гуруҳлар қон зардобида 25-гидроксикальциферолнинг меъёрий даражасига қараганда қон зардобидаги 25-гидроксикальциферолнинг танқислигида қондаги умумий кальцийнинг

даражаси 12,6% га пастроқ ( $p < 0,05$ ), етишмовчилигида эса - 6,3% га пастроқ ( $p < 0,05$ ) бўлган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тадқиқ этилган гуруҳлар қон зардобида магний даражасининг ўртача қийматлари референс қийматлар чегарасида бўлган. Таққослаш натижалари қон зардобида магний концентрациясининг асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларини кўрсатди ( $p < 0,0001$ ). Асосий гуруҳда магнийнинг ўртача қийматлари 0,70 [0,64; 0,89] ммоль/л ни, таққослаш гуруҳида 0,83 [0,72; 1,0] ммоль/л ни ташкил этди. Шундай қилиб, преэклампсия қайд этилган ҳомиладорлар қон зардобида магнийнинг концентрацияси ҳомиладорлиги физиологик кечаётган ҳомиладорларга қараганда 18,6% пастроқ бўлган.

Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобида организмнинг D витамини билан тўйинганлик даражасига қараб магний даражасининг таркибини таҳлил қилиш чоғида аниқланишича, организмнинг D витамини билан тўйинганлиги меёърда бўлганда магнийнинг концентрацияси 0,86 [0,79; 1,0] ммоль/л ни, D витамини билан тўйинганлик етишмовчилигида - 0,73 [0,70; 0,86] ммоль/л ни, танқислигида эса - 0,69 [0,64; 0,83] ммоль/л ни ташкил этган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобида организмнинг D витамини билан тўйинганлик даражасига қараб умумий кальцийнинг концентрацияси

№	Витамин Д концентрациясига кўра кичик гуруҳлар	Енгил ПЭ (n=53)	Оғир ПЭ (n=56)	Назорат гуруҳи (n=30)	$\chi^2/P1$	$\chi^2/P2$	$\chi^2/P3$
1	А кичик гуруҳ (Норма) (n, %)	18 (34,0%)	0 (0%)	21 (70,0%)	22,781 P=0.0001	9,988 P=0.002	51,865 P=0.0001
2	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (n, %)	13 (24,5%)	14 (25,0%)	9 (30,0%)	0,003 P=0.955	0,294 P=0.587	0,249 P=0.249
3	С кичик гуруҳ (Танқислик) (n, %)	22 (41,5%)	42 (75,0%)	0 (0%)	12,599 P=0.0001	16,944 P=0.0001	43,977 P=0.0001
<b>Умумий кальций ммоль/л</b>					P1	P2	P3
4	А кичик гуруҳ (Норма) (M±m)	2,34±0,10	-	2,40±0,11		>0,5	
5	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (M±m)	2,21±0,02	2,21±0,02	2,27±0,02	>0,5	>0,5	>0,5
6	С кичик гуруҳ (Танқислик) (M±m)	2,09±0,05	2,10±0,04	-	>0,5		

*P1, P2, P3 – энгил ПЭ ва оғир ПЭ ўртасидаги ишончли фарқ, энгил ПЭ ва физиол.ҳомиладорлик, оғир ПЭ ва физиол.ҳомиладорлик орасидаги фарқ*

Тадқиқ этилган гуруҳлар қон зардобида D витамини меъёрий даражасига қараганда қон зардобида D витамини танқислигида қондаги магний даражаси 24,6% га пастроқ ( $p < 0,05$ ), D витамини етишмовчилигида 17,8%га пастроқ ( $p < 0,05$ ) бўлган. Преэклампсиянинг энгил ва оғир даражаси қайд этилган аёллар қон зардобида магнийнинг концентрацияси қон зардобида 25-гидроксикальциферолнинг етишмовчилиги ва танқислиги кузатилган кичик гуруҳларда ишончли тарзда фарқ қилмаган ( $p > 0,05$ ) (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобида организмнинг D витамини билан тўйинганлик даражасига қараб магнийнинг концентрацияси

№	Витамин D концентрациясига кўра кичик гуруҳлар	Энгил ПЭ (n=53)	Оғир ПЭ (n=56)	Назорат гуруҳи (n=30)	$\chi^2/P1$	$\chi^2/P2$	$\chi^2/P3$
1	A кичик гуруҳ (Норма) (n, %)	18 (34,0%)	0 (0%)	21 (70,0%)	22,781 P=0.0001	9,988 P=0.002	51,865 P=0.0001
2	B кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (n, %)	13 (24,5%)	14 (25,0%)	9 (30,0%)	0,003 P=0.955	0,294 P=0.587	0,249 P=0.249
3	C кичик гуруҳ (Танқислик) (n, %)	22 (41,5%)	42 (75,0%)	0 (0%)	12,599 P=0.0001	16,944 P=0.0001	43,977 P=0.0001
<b>Магний, ммоль/л</b>					P1	P2	P3
4	A кичик гуруҳ (Норма) (M±m)	0,84±0,04	-	0,86±0,08		>0,5	
5	B кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (M±m)	0,71±0,02	0,71±0,01	0,73±0,05	>0,5	>0,5	>0,5
6	C кичик гуруҳ (Танқислик) (M±m)	0,68±0,04	0,69±0,05	-	>0,5		

*P1, P2, P3 – энгил ПЭ ва оғир ПЭ ўртасидаги ишончли фарқ, энгил ПЭ ва физиол.ҳомиладорлик, оғир ПЭ ва физиол.ҳомиладорлик орасидаги фарқ*

Шундай қилиб, тадқиқ этилган гуруҳларда организмнинг D витамини билан тўйинганлик даражаси ҳамда қон зардобидаги кальций ва магний даражаси ўртасида табиий боғлиқлик кузатилади. Аниқланишича, ҳомиладорлар организми D витамини билан етарли даражада тўйинмаганлигида қон зардобидаги умумий кальций ва магний даражалари физиологик кечаётган ҳомиладорликда ҳам, преэклампсияда ҳам референс қийматлар чегарасидан чиқмайди, бироқ меъёрнинг пастки чегаралари доирасида бўлади.

Иккинчи кичик бўлимда физиологик кечаётган ҳомиладорликда кальций, магний, D витаминининг бузилган алмашинувини коррекциялаш йўллари муҳокама қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотимизда, ҳомиладор аёлларда преэклампсия ривожланиш хавфини башоратлаш дастурини туздик. Дастур преэклампсияни башоратлаш ва эрта ташхис қўйиш учун мўлжалланган. Мазкур дастурнинг қўлланилиши преэклампсияни башоратлаш ва эрта ташхис қўйиш алгоритмини ҳамда мазкур ҳомиладорлар гуруҳини олиб бориш тактикасини ишлаб чиқишга, шунингдек она ва бола саломатлигини сақлаш мақсадида преэклампсиянинг даволаш алгоритмини такомиллаштириш имконини беради. Дастур преэклампсия ривожланиш хавфини аниқлашнинг ташхисот алгоритмини ва бундай ҳомиладорларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқишга ҳамда преэклампсия ривожланиш хавф гуруҳларини ўз вақтида аниқлаш учун скрининг бўйича услубий тавсияларни тузишга имкон беради.

Дастурдан амалий тиббиётда, хусусан акушерлик ва гинекологияда, шунингдек умумий амалиёт шифокорлари томонидан бирламчи бўғинда фойдаланиш мумкин. Ташхисотнинг замонавий усуллари кўллаган ҳолда, дастур, магний ва кальцийнинг етарлича бўлмаган микдорини, уларнинг ҳомиладорлик, туғруқларнинг асоратли кечишида ҳамда ҳомиланинг шаклланишидаги ролини баҳолашга имкон беради.

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Асосий тавсифлар</b>	<b>Балл</b>
<b>1</b>	<b>Аҳволининг оғирлиги</b>	Қониқарли ҳолатда	0
		Ўрта оғир ҳолатда	1
		Оғир ҳолатда	2
<b>2</b>	<b>Зиддийлашган анамнез</b>	0-1 хавф омили	0
		2-4 хавф омиллари	1
		5 ва ундан кўп хавф омиллари	2
<b>3</b>	<b>Ёндош соматик касалликлар</b>	Йўқ	0
		Буйракнинг сурункали касалликлари	1
		Сурункали артериал гипертензия	2
<b>4</b>	<b>Тромбоцитлар</b>	$180-310 \times 10^9 / \text{л}$	0
		$179-101 \times 10^9 / \text{л}$	1
		$100 \times 10^9 / \text{л}$ дан камроқ	2
<b>5</b>	<b>АСТ/АЛТ</b>	31 Ед/л дан кўп эмас	0
		32-69 Ед/л	1
		70 Ед/л ва кўп	2
<b>6</b>	<b>ХМН</b>	85-115%	0
		114-101%	1
		100 % дан кам	2
<b>7</b>	<b>25-ОН витамин D умумий</b>	30 нг/мл дан кўп	0
		21 дан 29 нг/мл гача	1
		20 нг/мл ва камроқ	2

8	25-ОН витамин D <sub>2</sub>	3-5 нг/мл	0
		2 дан 2,9 нг/мл гача	1
9	25-ОН витамин D <sub>3</sub>	30 нг/мл дан кўп	0
		29 нг/мл дан кам	1
10	Қон зардобдаги креатинин	39-72 мкмоль/л	0
		71-68 мкмоль/л	1
		67 мкмоль/л дан кам	2
11	Умумий билирубин	8,5-17,2 мкмоль/л.	0
		17,1-15,1 мкмоль/л.	1
		15,0 мкмоль/л дан кам	2
12	Фибриноген	2,6-5,6 г/л	0
		2,5-2,1 г/л	1
		2,0 г/л дан кам	2
13	Қолдиқ азот	14,3 дан 28,6 ммоль/л гача.	0
		28,7-30,1 ммоль/л.	1
		30,2 ммоль/л дан кўп.	2
14	Ионлашган кальций (Ca <sup>+++</sup> )	2,15-2,5 ммоль/л	0
		1,5-2,0 ммоль/л	1
		1,4 ммоль/л дан кам	2
15	Mg даражаси	1 ва ундан кўп ммоль/л	0
		0,7-0,9 ммоль/л	1
		0,6 ммоль/л дан кам	2
16	Паратгормон	50-75 пг/мл	0
		25-49 пг/мл	1
		24 пг/мл дан кам	2

Олинган маълумотлар асосида преэклампсия ривожланиш хавфини балл тизими бўйича баҳолаш ва ундан кейин даволаш тактикасини танлаш ҳомиладорлик муддати 14-16 ҳафта бўлган 45 нафар ҳомиладор аёлларда амалга оширилган.

**0-5 балл** – *преэклампсия ривожланиш хавфининг йўқлиги*. Ушбу ҳомиладор аёлларга ҳомиладорликнинг физиологик кечишида ўтказиладиган анъанавий стандарт кузатув талаб этилади.

**5-17 балл** - *енгил преэклампсия ривожланиш хавфи*. Тадқиқот вақтида аниқланган ўзгаришлар энгил ПЭ ривожланиши учун батафсил кузатиш, муфассал консултация бериш, овқатланиш, ҳаёт тарзи бўйича маслаҳатлар бериш, у намоён бўлганда – ҳомиладорлик муддатига мувофиқ келувчи олиб бориш тактикасини амалга ошириш учун асос бўлиши мумкин.

**18-40 балл** – *оғир преэклампсия ривожланиш хавфи*. Тадқиқот вақтида аниқланган ўзгаришлар оғир ПЭ ривожланиш хавфи мавжуд бўлган гуруҳларда магний, кальций ва D витамини воситаларини қўллаш, артериал босимни назорат қилиш, гипертензияни коррекция қилиш, оғир преэклампсиянинг клиник белгилари намоён бўлишига қадар туғруқ усули ва вақтини танлаш мақсадида акушер-гинеколог ва шифокор-терапевт


томонидан қўшимча равишда текширишдан ўтиш учун асос бўлиши мумкин. Биз ҳомиладорликдан ташқари ҳамда ҳомиладорлик даврида D витамини ва микроэлементлар дотациясининг алгоритмини ишлаб чиқдик (Алгоритм иловада келтирилган). Гравидар олди даврда аёл организмининг тўйинганлигига қараб, D витаминининг қуйидаги дозалари таклиф этилди: меъёрий кўрсаткичларда, профилактика мақсадида 500 МЕ, етишмовчиликда - 1000 ва 1500 МЕ, танқисликда – 2000 МЕ қўлланилади. Таклиф этилган алгоритмга мувофиқ, ҳомиладорликнинг II-чи триместридан, йўлдош ва ҳомиланинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиб, меъёрий кўрсаткичлар қайд этилганда D витаминини 800-1200 МЕ дозада, етишмовчиликда – 2000 МЕ дозада, танқисликда – 4000 МЕ дозада қўллаш зарур. Преэклампсия ривожланишининг юқори хавфини ҳисобга олиб, ҳамда D витаминининг етишмовчилиги ва танқислигида кальций (1500 мг/сут) ва магний (360-400 мг/сут) воситалари ҳам тайинланган.

Биз ҳомиладорликдан ташқари ҳамда ҳомиладорлик даврида D витамини ва микроэлементлар дотациясининг алгоритмини ишлаб чиқдик. Гравидар олди даврда аёл организмининг тўйинганлигига қараб, D витаминининг қуйидаги дозалари таклиф этилди: меъёрий кўрсаткичларда, профилактика мақсадида 500 МЕ, етишмовчиликда - 1000 ва 1500 МЕ, танқисликда – 2000 МЕ қўлланилади. Таклиф этилган алгоритмга мувофиқ, ҳомиладорликнинг II-чи триместридан, йўлдош ва ҳомиланинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиб, меъёрий кўрсаткичлар қайд этилганда D витаминини 800-1200 МЕ дозада, етишмовчиликда – 2000 МЕ дозада, танқисликда – 4000 МЕ дозада қўллаш зарур. Преэклампсия ривожланишининг юқори хавфини ҳисобга олиб, ҳамда D витаминининг етишмовчилиги ва танқислигида кальций (1500 мг/сут) ва магний (360-400 мг/сут) воситалари ҳам тайинланган.

**"Ҳомиладор аёлларда микроэлементлар ва D витамини алмашинувининг бузилишини коррекция қилиш йўллари"** диссертациясининг тўртинчи бобида шахсий тадқиқотимиз натижалари келтирилган. Аввалроқ белгиланган режага мувофиқ, таққослаш гуруҳидаги ҳомиладорлар D витамини ва Са воситаларини қабул қилишмаган; асосий гуруҳдаги ҳомиладорлар (60 нафар ҳомиладорлар) ҳомиладорликнинг 14-16 ҳафталигидан туғруққа қадар D витамини ва Са воситаларини қабул қилишган. D витаминининг дозаси суткасига 4000 ХБ (халқаро бирлик)ни, кальцийни дозаси эса 1500 ХБ ни ташкил этган.

Бизни тадқиқот гуруҳларида D витамини ва кальцийнинг дотацияси D витамини даражасига қанчалик таъсир кўрсатиши қизиқтирди.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидагилар аниқланди: меъёрий кўрсаткичга мувофиқ келувчи D витамини даражасига эришиш фоизи таққослаш гуруҳида 13,7%, асосий гуруҳда – 71,7%ни, D витамини етишмовчилигининг учраш ҳоллари таққослаш гуруҳида 26,5%, асосий гуруҳда – 23,3 % ни, D витаминининг танқислиги таққослаш гуруҳида 57,1%, асосий гуруҳда – 5% ни ташкил этди (расм. 4.).



**Расм.4. Тадқиқот гуруҳларида D витаминининг миқдори (%)**

Кейинчалик асосий ва таққослаш гуруҳидаги ҳомиладорлар қонида 25-гидроксикальциферолнинг ўртача даражалари таҳлил этилди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладорлар қон зардобидида 25-гидроксикальциферол даражасининг ўртача қийматлари**

№	Витамин д концентрациясига кўра кичик гуруҳлар	Таққослаш гуруҳи (n=49)	Асосий гуруҳ (n=60)	Назорат гуруҳи (n=30)	$\chi_1^2/P1$	$\chi_2^2/P2$	$\chi_3^2/P3$
1	А кичик гуруҳ (Норма) (n, %)	8 (16,3%)	43 (71,6%)	21 (70,0%)	33,178 P=0,0001	0,027 P=0,027	0,027 P=0,869
2	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (n, %)	13 (26,5%)	17 (28,4%)	9 (30,0%)	0,044 P=0,834	0,027 P=0,027	0,467 P=0,494
3	С кичик гуруҳ (Танқислик) (n, %)	28 (57,2%)	0 (%)	0 (0,0%)	46,138 P=0,0001	-	0,106 P=0,467
Қон зардобидида 25- гидроксикальциферол қиймати, нг/мл					P1	P2	P3
4	А кичик гуруҳ (Норма) (M±m)	31,1 ±1,3	39,2±1,5	40,2±2,2	<0,001	<0,001	>0,5
5	В кичик гуруҳ (Етишмовчилик) (M±m)	21,2±1,5	27,1±1,6	28,1±1,6	<0,01	<0,001	>0,5
6	С кичик гуруҳ (Танқислик) (M±m)	13,1±0,8	-	-	-	-	-

P1, P2, P3 – асосий ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги, таққослаш гуруҳи ва назорат гуруҳидаги, асосий ва назорат гуруҳи орасидаги ишончли фарқ

Ҳомиладорлар организмини D витамини билан тўйинганлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, таққослаш гуруҳидаги А кичик гуруҳ қон

